

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛАВОВ ЎКТАМЖОН ҒУЛОМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ ИНСТИТУЦИОНАЛ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

УЎК: 323/327:101 (575.1)

**Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по философским наукам**

**Contents of Dissertation Abstract
of the Doctor of Philosophy (PhD) on Philosophical Sciences**

Тилавов Ўктамжон Гуломович

Ўзбекистон экологик ҳаракати институционал тизимини

ривожлантиришнинг ижтимоий-сиёсий механизмлари.....3

Тилавов Уктамжан Гулямович

Социально-политические механизмы развития институциональной системы
экологического движения Узбекистана.....19

Tilavov Uktamjon Gulomovich

Socio-political mechanisms development of the system of institutions of
environmental movement in Uzbekistan35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....39

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.F.01.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ТИЛАВОВ ЎКТАМЖОН ҒУЛОМОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЭКОЛОГИК ҲАРАКАТИ ИНСТИТУЦИОНАЛ
ТИЗИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ
МЕХАНИЗМЛАРИ**

09.00.04 – Ижтимоий фалсафа

**ФАЛСАФА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2018

Фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Ға49 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасига (ik-falsafa.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Мамашокиров Саидмурод фалсафа фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Хайдаров Хуррам Фармонович фалсафа фанлари доктори, профессор Бердимуратова Алима Қарлыбаевна фалсафа фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат аграр университети

Диссертация химояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.F.01.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «26» июн соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет-4 кўчаси, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz). Ўзбекистон Миллий университети Ижтимоий фанлар факультети биноси. 5-қават, 511-хона

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий Университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (54 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, Университет кўчаси 4-уй, Тел.: (99871) 246-02-24, факс: (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz.

Диссертация автореферати 2018 йил «13» _июнда тарқатилди.
(2018 йил «13» июндаги 20- рақамли реестр баённомаси).

Н.Х.Ҳакимов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, ф.ф.д., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, ф.ф.д., доцент

М.Т.Жакбаров

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, ф.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва тадқиқоти зарурияти. Ҳозирги даврда экологик муаммолар глобаллашиб, кескинлашиб инсоният цивилизациясини ҳалокат ёқасига олиб келмоқда, экологик ҳаракат оммавийлигини таъминлашнинг оламшумул аҳамияти жаҳон ҳамжамияти ва давлат раҳбарлари томонидан эътироф этилмоқда. Постиндустриал ва экологик барқарор ривожланган мамлакатлар тажрибалари: миллий, минтақавий ва глобал даражаларда табиатни муҳофаза қилиш институтлари фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш функциясини давлат ва халқаро ташкилотлар тасарруфига бериш унинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Чунки, бир томондан, экологик ҳаракат институтлари, ташкилий асоси ва мақомига кўра, сиёсий ташкилот бўлмаса ҳам давлат экологик сиёсатидаги функционал аҳамияти ва мақоми, фаолияти “сиёсатлашуви” ва оммавийлигида, интеграциялашув ва глобаллашувга мойиллигида намоён бўлмоқда; иккинчи томондан, мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг глобал барқарор экологик хавфсизликни, давлатлар экологик суверенитетини таъминлашга мутасадди институционал тизими фаолияти ўзаро қатъий тақозоланганлиги ижтимоий-сиёсий муносабатларда муайян таркибий ўзгаришларни вужудга келтирди. Шу нуқтаи назардан, мазкур ижтимоий ходисанинг институтлашиш ва улар ўртасидаги функционал интеграциялашуви жараёнини илмий тадқиқ қилиш фалсафий-социологик тадқиқотларнинг долзарб мавзусига айланмоқда.

Республикамизда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш ижтимоий-сиёсий ҳаракат институтлари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши, амалдаги экологик қонунчиликнинг жаҳон ҳуқуқ меъёрларига адекватлиги, миллий тараққиётнинг “ўзбек модели” давлат экологик суверенитети ва миллий хавфсизлигини таъминлашда методологик асос бўлиб, уларнинг мақомини мустаҳкамлаш ва муваффақиятларига асос бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида ишлаб чиқилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси эса, Республика экологик сиёсати ютуқларини янги босқичга олиб чиқиш вазифаларини, уларни амалга ошириш йўналишлари ва тактикасини белгилаб берди. Зеро, бир томондан, экологик ҳаракат институтларининг қонунлар ҳамда бошқа норматив ҳужжатлар асосида ташкиллаштирилиши, бошқарилиши ва назорат қилиниши, уларнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш механизмларини ривожлантириш, экоҳаракатнинг сиёсий-ҳуқуқий мақомини мустаҳкамлашга боғлиқдир; иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик стратегияси, дунё халқларнинг анъанавий шаклланган умумий экологик ҳаёт тарзи, уларнинг миллий хавфсизлик манфаатлари, суверенитетлигини эътиборга олиб, гуманистик ва демократик тамойиллар асосида ёндашиш зарурлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегияси, Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Экологик назорат тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Чиқиндилар тўғрисида»ги, «Ўсимлик дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги, «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларида белгиланган аниқ вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тарихий манбаларда, зардўштийлик динининг муқаддас китоби «Авесто»да диний ва бошқа ёзма манбаларда экологик фаолиятнинг маънавий-ахлоқий тамойиллари, ҳуқуқий нормалари, ташкилий-регулятив асослари шакллангани ҳақида маълумотлар мавжуд.

Замонавий глобал экологик муаммоларни бартараф этишда экологик ҳаракатнинг ролига жиддий эътибор: «Табиатни муҳофаза қилиш Европа йили» (1970), БМТ атроф муҳит муаммоларига бағишланган Стокгольм конференцияси (1972), шунингдек, Джей Форрестер, Донелла Медоуз, Деннис Медоуз каби Ғарб олимларининг «Рим клуб»и буюртмасига асосан нашр қилинган мақолаларида ўз аксини топган. Хусусан, уларнинг «Ўсиш суръатлари чегараси» (1971–1972) мавзусидаги мақолаларида айнан шу муаммога алоҳида эътибор қаратилган. Джей Форрестернинг фикрича, агар ҳозирги индустриализация, урбанизация жараёнлари, атроф муҳит ифлосланиши, озик-овқат маҳсулотларини экстенсив ишлаб чиқиши, табиий ресурслар камайиши, одамлар сони ўсиш тенденцияларининг олди олинмаса, яқин юз йил ичида Ер биосфера мувозанати ўзгаришлари экологик ва иқтисодий барқарорликни издан чиқариш эҳтимоллигини реаллаштиради.

Уларнинг яқдил хулосаларига кўра, шароитни ўзгартириш ва глобал экологик барқарорликни сақлаш учун, энг аввало, инсоннинг зарур эҳтиёжлари ривожланишини «ноль даражада ўстириш», яъни ишлаб чиқариш ва истеъмолни чегаралаш стратегиясини амалга ошириш керак. Лекин 1974 йил М.Месарович (АҚШ) ва Э.Пестел (ГФР) раҳбарлигидаги бир гуруҳ олимлар томонидан тайёрланган иккинчи маърузада ҳар бир минтақадаги, давлатлар ривожланиш даражаларига дифференциал ёндашиб, алоҳида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Кейинчалик эколог-футурологлар илгари сурган ғояларга нисбатан хайрихоҳ ва муҳолифлар бир-биридан ажралди. Хўжалик юритишда иқтисодий ўсишни чегаралаш (хатто,

тўхтатиш) ва унинг экологик “ижтимоийлиги ва сифатни ошириш” концепциясида экологик тоза ва тежамкор технологияларни қўллаш устуворлигини таъминлашни асосий стратегик вазифа қилиб қўйилганлиги хайрихоҳлар сафининг кенгайишига олиб келди.

Бугунги кунда ривожланган мамлакатларда экологик ҳаракат субъектларининг кенг миқёсда фаоллашуви кузатилмоқда. Ваҳоланки, ўтган асрнинг 70–80 йилларидаги иқтисодий ва ижтимоий муаммолар XX аср неолиберализми – “Яшиллар ҳаракати”нинг сезиларли даражада сусайишига олиб келди. Улар турли гуруҳлар, иттифоқлар, нодавлат ташкилот ва ассоциациялар кўринишида бўлиб, атроф муҳит муҳофазасининг турли йўналишларида фаолият олиб боришмоқда.

Ижтимоий ҳаракатнинг ўзига хос шакли сифатида замонавий экологик ҳаракатнинг назарий-методологик асослари Г.Спенсер, Э.Дюркгейм, Г.Зиммель, Ф.Тённис ва бошқа файласуфлар асарларида баён қилинган эди. Кейинчалик А.Турен, К.Оффе ва Д.Рухт, Х.Кризи, А.Мелуччи ва А.Пиццорно, М.Кастельсар томонидан тизимли равишда ўрганилди.

Ўзбекистонда экологик ҳаракатнинг хусусий ижтимоий-фалсафий масалалари З.Абдуллаев, Э.С.Ҳошимова, Ю.Шадиметов, С.Мамашакиров, С.Сангинов, В.О.Левинская, Н.Ҳ.Ҳақимов, М.Н.Абдуллаева, Б.Б. Алиханов, А.К.Бердимуратова, Г.Х.Расулева, Т.Куйлиев, Х.Пўлатов, Д.Расилов, Б.Т.Тўйчиев, М.И.Гуламов, Р.У.Рахимбеков, А.Эргашев, Т.Эргашов, Э.М.Иззетова, З.М.Мухаммедов, Ш.Л.Махмудова, М.М.Баходиров, Э.М.Усмонов, О.Ата-Мирзаев, Н.Умаров, М.Ганиева, М.Карамян, О.А.Науменко, Х.Аҳмедов, А.Аҳмедов, У.Саидова, Н.Ниёзова ва бошқа муаллифлар илмий тадқиқотларида ёритилган¹. Лекин уларда ижтимоий ҳаракатнинг махсус шакли бўлган экологик ҳаракатнинг ижтимоий макон ва тарихий замондаги “ментал хусусиятлари”, парадигмаларида ўзгаришлар, ҳозирги интеграция ва глобал ўзгаришлар билан боғлиқ жиҳатлари комплекс-системали таҳлил этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ўзбекистон Миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасининг «Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълимининг долзарб муаммолари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади – Ўзбекистонда экологик ҳаракат институционал тизими структуравий элементлари фаолиятини комплекс-системали таҳлил қилиб, уларнинг функционал боғланишлари ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишнинг назарий-методологик асосларини такомиллаштиришга қаратилган.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий муносабатлар тизимида экологик ҳаракатнинг тарихий генезиси, шаклланиши ва эволюциясида стихияли-содда эмпирик даражадан

¹ Адабиётлар диссертациянинг “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати” қисмида келтирилган.

рационал-конструктив босқичига ўтиш динамикасини;

глобаллашув шароитида миллий экологик ҳаракат институционал тизими структураси ва йўналишларини функционал уйғунлаштиришнинг миллий экологик ҳавфсизликни таъминлашдаги ўрнини;

экологик ҳаракатнинг умуминсоний кадрият мақомини оширишнинг самарали йўллари ва усулларини;

экологик ҳаракатнинг функционал интеграциялашиш ва универсаллашиш жараёнини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмларини;

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг истиқболда давлат, жамият ва шахс ҳамкорлигини таъминлашдаги фаолият йўналишларини аниқлашга йўналтирилган концептуал назарий хулосалар, методологик таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти. Глобаллашув жараёнида экологик ҳаракатнинг ташкилий институционал тизими самарадорлигини ошириш жараёнларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети. Ўзбекистонда экологик ҳаракат институти ривожланишининг истиқболли йўналишларини ижтимоий-фалсафий таҳлилини ўз ичига олади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, анализ ва синтез, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби истиқболли илмий методларига таянилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

- экологик ҳаракат институционал тизимининг тарихий зарурияти, шаклланиш динамикаси, объекти ва субъекти алоқадорлиги асосланган;

- экологик ҳаракат ижтимоий кадрият мақомининг миллий, минтақавий ва глобал хусусиятлари фалсафий категориялар (алоҳидалик, махсуслик, умумийлик ва бошқа) асосида ёритилган;

- экологик ҳаракат самарадорлигини таъминлашнинг тизимли объектив ва мантиқий субъектив омиллари асосланган ҳамда потенциал имкониятларини баҳолаш мезонлари очиб берилган;

- экологик ҳаракат тадрижий ривожланиш миллий моделининг ўзига хос хусусиятидан келиб чиққан ҳолда унинг ҳаракат даражасидан сиёсий партия мақомига кўтарилиши ва мазкур тизимнинг тарғибот механизмларини такомиллаштириш бўйича таклифлар асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

- экологик ҳаракат соҳасида халқаро тажрибаларни умумлаштириш ва аниқлаштириш орқали Ўзбекистон экологик ҳаракат амалиётини: ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилувчи мутасадди институционал тизимини ривожлантиришда;

- миллий экологик ҳаракат феноменида, унинг объекти ва субъекти муносабатлари шаклланиши ҳамда ривожланиши тажрибасини билиш ва

амалиётда қўллашга доир таклиф-тавсияларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги махсус журналлар ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти давлат, нодавлат ва ноижорат ташкилотлар, фуқаролик институтларининг: маҳаллий, миллий, минтақавий, глобал экологик ҳаракат субъектлари фаолиятини конструктив-рационал ташкиллаштириш, демократик бошқариш ва назорат қилишнинг эффектив усул-воситаларини танлаш, унинг механизмларини такомиллаштиришга оид концептуал назарияларни ривожлантиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти давлат томонидан экологик ҳаракат институционал тизими элементларининг функционал интеграциялашуви ва дифференциаллашуви самарадорлигини таъминлашга йўналтирилган норматив-ҳуқуқий ва директив ҳужжатларни, дастур ва режаларни ишлаб чиқишда фойдаланиш имконияти билан асосланади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Экологик ҳаракатнинг умуминсоний кадрият мақоми, таркибий элементлари, функциялари, замонавий ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар интеграцияси билан боғлиқ илмий-концептуал асосларига доир таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармаси фаолиятида фойдаланилган.

Ушбу диссертация иши натижалари бўйича берилган таклифлардан Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 9 январдаги “Озонни бузувчи моддалар ва таркибида улар бўлган маҳсулотларнинг Ўзбекистон Республикасига импортини ва Ўзбекистон Республикасидан экспортини тартибга солишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17-сонли қарорини ишлаб чиқиш ва уни ҳуқуқий экспертизадан ўтказишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Ҳуқуқий экспертиза, халқаро шартномалар ва ташқи алоқаларни ривожлантириш бошқармасининг 2018 йил 23 январдаги 12-41-3 сонли далолатномаси).

Бундан ташқари, диссертация натижаларидан Ўзбекистон экологик ҳаракати Республика бошқаруви фаолиятида фойдаланилган. Хусусан тадқиқотдаги:

- экологик ҳаракатнинг глобал оммавийлигини таъминлайдиган объектив шарт-шароитлари ва субъектив омилларини, ташкилий потенциал имкониятларини уйғунлаштирувчи фаолиятини баҳолашга оид аниқланган мезонлардан;

- Ўзбекистон экологик ҳаракатининг мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятни демократлаштиришдаги имкониятлари, истиқболли хорижий ҳамкорлик ва миллий экологик хавфсизликни таъминлашга доир ишлаб чиққан тавсияларидан фойдаланилди.

Шунингдек, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг ташкилий потенциал имкониятларини уйғунлаштирувчи фаолиятини танқидий баҳолашда фойдаланилган. Берилган хулосалардан Ҳаракат фаолиятини ташкиллаштириш самарадорлигини ошириш, бошқариш ва назорат қилишда мутасадди институционал тизимни ривожлантириш ва такомиллаштириш йўллари ҳамда халқаро экологик ҳаракат институтлари амалий тажрибаларидан ижодий фойдаланишга қаратилган “Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2018 йилдаги асосий ташкилий-ҳуқуқий, назорат-таҳлилий ва амалий тадбирлар дастури”ни такомиллаштиришда ҳам фойдаланилган.

Ўзбекистон экологик ҳаракатининг мамлакатимизни модернизациялаш, жамиятни демократлаштиришдаги имкониятларини баҳолаш, айниқса, Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгилаб берилган вазифаларни амалга ошириш, истиқболли хорижий ҳамкорлик ва миллий экологик хавфсизликни таъминлашга доир истиқбол режаларини янада такомиллаштиришда фойдаланилган (Ўзбекистон экологик ҳаракатининг 2018 йил 29 январдаги 01/38-сонли далолатномаси).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 1 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот “Кириш”, тўққизта параграфни ўз ичига олган учта боб, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар рўйхати”дан иборат. Матнинг умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, илмий янгилиги асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги, объекти, предмети, методлари, мақсади ва вазифалари аниқланган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти,

амалиётга жорий қилинган, апробацияси, нашр этилган ишлар, тадқиқотнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Экологик ҳаракатнинг генезиси, ғоявий-мафкуравий асосларини тадқиқ қилишнинг назарий-методологик масалалари**» деб аталган биринчи бобининг:

1) “Ижтимоий муносабатлар тизимида экологик ҳаракатнинг тарихий-ретроспектив асослари ва эволюцияси”; 2) “Экологик ҳаракат феноменининг структураси, ривожланиш босқичлари ва уларни туркумлаштириш тамойиллари”; 3) “Экологик фаолиятда миллий ва умуминсоний кадриятларни уйғунлаштиришнинг диалектик характери” деб номланган параграфларида, мазкур ижтимоий феномен шаклланиши фалсафа фанининг: объективлик ва субъективлик, ижтимоий макон ва тарихий замон, алоҳидалик, махсуслик ва умумийлик, сабаб ва оқибат, моҳият ва ҳодиса, шакл ва мазмун, зарурият ва тасодиф, имконият ва воқелик каби категориялар нуқтаи назаридан таҳлил қилинган. Зеро, “ижтимоий ҳаракат” категорияси фалсафий мақоми ва мантикий мазмунига кўра, экологик ҳаракат ҳодисаси учун универсал назарий-методологик аҳамиятга эга.

Ижтимоий ҳаракатларнинг ривожланиш қонуниятларига кўра, уларнинг шакли ва йўналишлари, ҳар қандай вазиятда кутилмаган тасодифий ҳодисалар таъсирига, эҳтимолликларга тайёр туриши шарт. Зеро, жамият ижтимоий-сиёсий муносабатлар интеграциялашуви, глобаллашуви, интенсивлашуви ва универсаллашуви натижалари (зарурий ёки тасодифий, умумий ёки хусусий, объектив ёки субъектив, ижобий ёки салбийлигидан қатъи назар) ижтимоий ҳаракатлар трансформацияси йўналишларига, тезлиги ва давомийлигига таъсир қилади.

Экологик ҳаракат ижтимоий ҳаракатнинг махсус йўналиши сифатида содда-стихияли шаклларида замонавий рационал-конструктив ривожланиш даражасига ўтишнинг тарихий эволюцияси, институционал тузилиши, моҳияти, функция ва тараққиёт қонунлари, унинг умуминсоний ва миллий қариятларини уйғунлаштиришга фундаментал-концептуал асос бўлиб: 1) умуминсониятнинг глобал экологик эҳтиёжларини қондириш, цивилизацияси келажагини сақлаб қолиш мақсади; 2) индивидуал ва ижтимоий даражаларда перманент ўзгариш характерининг қонуният мақоми; 3) экологик маконнинг тарихий замондаги комплекс-системалилиги ва конкретлилиги; 4) футурологик қарашларидаги муқобил таълимотлар мавжудлиги, унинг ижтимоий ҳаракат шаклларида фарқини ҳам, умумийлигини ҳам кўрсатади.

Экологик ҳаракат шакллари ва барча типларининг оммавий сафарбарлик босқичи – ҳаракат субъектларини “селекция” қилиш, танлаш уларнинг мақомини, вазифалари стратегияси ва амалга ошириш тактикасини аниқлашдан иборат. Бу босқичда ҳаракатга лоқайд, бепарво (конформистик) муносабатдаги (айниқса, қарши бўлган) субъектлар контингенти ўртасида маънавий, маданий, маърифий тарғибот-ташвиқот ишларини изчил олиб бориш, унинг асосий ғоясини, концепциясини “экологик эътиқод”га айлантириш асосий стратегик вазифа қилиб белгиланади. Зеро, кишилар

ҳаракатга катъий ишонч-эътиқодни экологик ўзгаришларни амалга оширишнинг имконияти, воситаси ва усули деб ҳисоблайдилар.

Диссертацияда, биринчидан, ижтимоий ҳаракат жамият ривожланишининг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари бирлиги натижаси ҳисобланиб, муайян мақсадга эришиш усули ва имконияти экологик фаолият нуқтаи назаридан асосланган. Иккинчидан, ҳар қандай жамиятда ижтимоий ҳаракатнинг стратегик мақсадини, вазифаларини амалга ошириш мафкураси, маънавий-ахлоқий нормалари, ҳуқуқий қонун-қоидалари, тактик усул-воситалари тизимлашган бўлади. Учинчидан, ижтимоий ҳаракат кўлами, мақсади ва аҳамияти, субъектларининг этно-демографик, конфессионал таркиби, географик тарқалиши, фаоллиги ва уюшқоқлик даражасига боғлиқ бўлиб, динамик ўзгарувчан бўлади. Тўртинчидан, барча ижобий ижтимоий ҳаракатлар ташкиллашган ҳолда, жамият тараққиётига, цивилизация истиқболларига салбий таъсир кўрсатаётган ҳолатларни бартараф қилишга йўналтирилганлиги билан характерланади. Бешинчидан, ижтимоий ҳаракатларни фалсафий қонун ва категориялар контекстида таҳлил қилиш, улар ҳақида экологик ҳаракатга нисбатан универсал назарий-концептуал таълимотлар яратишга методологик асос бўлади.

Диссертацияда **“Экологик ҳаракат институтлари фаолиятининг структуравий-функционал таҳлили”** деб номланган иккинчи боби: 1)“Экологик ҳаракат институтлари гуманистик миссиясининг шаклланиш, интеграциялашиш ва глобаллашиш тенденциялари”; 2)“Халқаро экологик ҳаракат субъектлари фаолияти интеграциясини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш механизмлари”; 3)“Ўзбекистонда экологик ҳаракат институтлари шаклланиши ва функционал интеграциялашувининг ижтимоий-сиёсий асослари” параграфларидан иборат.

Ҳозирги мавжуд адабиётларда экологик хавфсизликни таъминлашга мутасадди институтлар фаолиятига алоҳида эътибор берилиб, муайян йўналишларини детерминлаштирувчи омилларини мутлақлаштириш устувор. Ваҳоланки, инсоният ҳаётига, цивилизация келажагига таҳдидларга комплекс-системали ёндашиладиган бўлса, “экологик гуманизм” тушунчасининг моҳияти, унинг мазмуни муайян ижтимоий муносабатлар доирасида конкретлашади. Бу масалани оммавий экологик ҳаракат институтлари фаолияти контекстида қарайдиган бўлсак, инсоннинг табиий яшаш муҳитини муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, хавфсизлиги масалалари, бевосита унинг мавжудлиги ва келажагини таъминлаши билан, гуманистик мазмунини намоён қилади. Шунингдек, инсоннинг табиатга антропотехноген таъсири натижасида организмдаги паталогик ўзгаришлар, генетик аномалиялар олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф қилишда экологик ҳаракат институларининг гуманистик миссияси алоҳида аҳамиятга эга.

Халқаро ижтимоий-сиёсий муносабатларда экологик гуманизм тамойилининг устуворлашуви ва глобаллашуви, бир томондан, давлатлараро экологик сиёсатнинг интеграциялашувини барча соҳаларда ижтимоий-сиёсий

муносабатлар барқарорлашиб бораётганини кўрсатади. Иккинчи томондан, глобал экологик таназзулнинг келиб чиқишига асосий сабаб инсониятнинг фақат иқтисодий ўсиши ва истеъмолчилик салоҳияти ошганлиги бўлиб қолмасдан, балки, унинг табиатга гуманистик муносабати “қашшоқлиги” билан ҳам изоҳланади. Халқаро экологик ҳаракат институтлари интеграцияси жараёнининг биринчи босқичидаги ўзига хослик – давлатлар ўртасида тузилган экология масаласидаги келишувларнинг локал характери, глобал экологик муаммоларни ҳал қилишга миллий манфаатлар асосида индивидуал ёндашувлар, табиатнинг муайян компонентини муҳофаза қилишга устувор аҳамият бериш билан характерланади.

Диссертацияда ривожланган давлатлар ва халқаро ташкилотларнинг Ер биосфера табиий ресурсларини аёвсиз “эксплуатацияси”га, экологик хавф агрессияси эскалациясига қарши халқаро экологик ҳаракатлар тарқоқлиги, уларга этноэгоистик, эгоцентристик меркантил-утилитар манфаатлар босими глобал экологик инқирознинг асосий сабабларидан бири эканлиги таъкидланган. Уларни бартараф қилиш учун, бир томондан, инсониятнинг умумий бойлиги бўлган табиат ресурсларини оқилона ўзлаштиришнинг яқдил глобал режасини ишлаб чиқиш учун миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда экологик ҳаракат субъектлари фаолиятини интеграциялаштиришни тақозо қилади; иккинчи томондан, моҳияти ва функциясига кўра, ҳар қандай давлатнинг миллий экологик сиёсати бевосита ёки билвосита глобал экологик сиёсатнинг конкретлашган шакли бўлиб уларни ривожлантириш, умуминсоний манфаатларга мос бўлмоғи лозим. Зеро, халқаро экологик ҳаракат институтлари фаолияти интеграциялашуви ва глобаллашуви, умуминсониятнинг миллий, минтақавий глобал экологик эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятларини моддийлаштириш натижасидир.

Жаҳонда постиндустриал ва экологик барқарор ривожланган мамлакатлар тажрибалари: миллий, минтақавий ва глобал даражаларда табиатни муҳофаза қилиш институтлари фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилиш функциясини давлат ҳамда халқаро ташкилотлар тасарруфига бериш мақсадга мувофиқлигини кўрсатмоқда. Диссертацияда шу талабларга кўра, Ўзбекистон экологик ҳаракатининг умуминсоният манфаатларига мос устувор вазифалари қуйидагича туркумлаштирилган:

- Экологик ҳаракат институционал тизими фаолиятини конструктив-рационал ташкиллаштириш, бошқаришнинг ҳуқуқий асосларини шакллантириш ва халқаро нормалар имплементациясига эришиш;

- экологик ҳаракат оммавийлигини таъминлаш ва табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг: молиявий, техник, технологик, интеллектуал асослари ҳамда тарғиборт-ташвиқот институтларини яратиш;

- экологик ҳаракатнинг халқаро турдош ташкилотлар билан интегрatív ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиб инвестиция, информация, тажриба айирибошлаш институтлари фаолиятини кучайтириш;

- аҳоли экологик онги ва маданиятини ривожлантириш мақсадини амалга оширишнинг конструктив усуллар ҳамда рационал воситалари бирлигини таъминлаш масалалари.

Хуллас, мазкур вазифаларининг бажарилиши халқимизнинг соғлом экологик муҳитда ҳаёт кечиришига, потенциал моддий-техник имкониятларини амалга оширишга, маънавияти ўсишига, иқтисодий ҳаёт тарзи яхшиланиб боришига кўмаклашади. Зеро, аҳолининг табиий яшаш шароитини оқилона ташкил қилиш – давлат экологик сиёсатининг гуманистик мазмунини, моҳиятини комплекс-системали намоён қилади, бунга мамлакат экологик хавфсизлигини таъминлашнинг имкониятлари сифатида қаралиши керак.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда экологик ҳаракат институтлари мақомини мустақамлашнинг стратегик имкониятлари”** деган учинчи боби мазмуни: 1)“Ўзбекистонда табиий атроф муҳит муҳофазаси ва экологик ҳаракат институтларининг сиёсий-ҳуқуқий мақоми”; 2)“Ўзбекистонда экологик ҳаракатнинг давлат экологик суверенитети ва миллий хавфсизлигини таъминлашдаги роли”; 3)“Экологик ҳаракат субъектлари ҳамкорлигининг потенциал имкониятлари ва стратегик вазифалари” номли параграфларда ёритилган.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин, экологик вазиятни соғломлаштириш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Зеро, ҳозирги даврда Марказий Осиёда минтақавий экологик муаммолар (хусусан, Орол денгизининг қуриши, пахта яккаҳоқимлигига асосланган аграр соҳа устуворлиги) республика экологик ҳаёт тарзини, миллий цивилизацияни ҳалокат ёқасига келтириб қўйган вазиятдан чиқиш учун минтақа давлатларининг бу йўналишда ҳаракат оммавийлигини таъминлаш сиёсати ғоят долзарб аҳамият касб этиши жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиб, амалий ишлар қилинмоқда.

Ўзбекистон экологик ҳаракати сиёсий ташкилот ҳисобланмайди, лекин бу мақом, давлат экологик сиёсати субъективлигини истисно қилмайди. Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг асосий мақсади – мамлакатнинг барча аҳолиси манфаатлари учун бирдек дахлдор бўлган табиий атроф муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлигини сақлаш вазифаларига мутасадди давлат ва фуқаролик институтлари билан ҳамкорликда фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга йўналтирилган.

Диссертацияда экологик ҳаракатнинг хавфсизлик ва миллий суверенитетни ҳимоя қилиш миссияси комплекс характерга эга эканлиги таъкидланади. Яъни, инсоннинг табиатни ўзгартириш ва ўзлаштириш фаолияти нафақат иқтисодий, ижтимоий ва маданий детерминлаштирувчи омиллар билан белгиланганини, балки табиатга антропоген, техноген таъсирлар экологик ҳалокат ва ғавқулодда вазиятларга олиб келишини, табиий ресурслар камайиб бораётганлиги олдини олишга йўналтирилган. Умумлаштириб айтганда, бу ҳаракат иштирокчилари ва тарафдорлари халқ оммасини жамият тараққиётини, цивилизация келажагини экологик

истикболсиз тасаввур қилиб бўлмаслигига ишонтиришга, “юқори иқтисодий ҳаёт даражасидан – юқори сифатли экологик ҳаёт тарзига” ўтишга даъват қилмоқда.

Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг асосий мақсади мамлакатда табиий атроф муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлигини сақлаш вазифаларига мутасадди давлат ва фуқаролик институтлари ҳамкорлигини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга юридик ва жисмоний шахслар саъй-ҳаракатларини сафарбар этувчи оммавий жамоатчилик ҳаракати ҳисобланади.

Ўзбекистонда экологик ҳаракат институтлари фаолиятида жамият, давлат, шахс ҳамкорлигининг стратегик вазифалари комплексини белгилаш тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- биринчидан, экологик ҳаракат институтлари субъектларининг ўзаро муносабатида ижтимоий шерикчилик, ҳамкорлик, уларнинг манфаатлари уйғунлиги тамойилларига асосланади, моҳияти, функционал интеграциялашиш эволюцияси, глобаллашув потенциалига эга;

- иккинчидан, Ўзбекистонда вужудга келган экологик вазиятнинг инқироз ҳолати ва тараққиётнинг миллий модели экологик ҳаракат субъектлари фаолиятини ташкиллаштириш, бошқариш ва назорат қилишга мутасадди институтлар тизимининг ривожланиш даражасига боғлиқ;

- учинчидан, Ўзбекистонда экологик ҳаракат оммавийлигини таъминлаш, унинг институтларини функционал интеграциялаштириш, давлатнинг табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш сиёсати структуравий элементлари фаолиятини ўзаро уйғунлаштириш экологик хавфсизлик шартидир;

- тўртинчидан, экологик ҳаракатда: жамият, давлат, ижтимоий бирлик ва шахс тизимида ҳамкорликнинг объектив шарт-шароитлар мавжудлиги, субъектив омиллар таъсирчанлиги, давлатнинг демократик-гуманистик тамойилларга, тарихий анъаналарига асосланишига боғлиқ;

- бешинчидан, экологик ҳаракат субъектлари ривожланишининг индивидуал характери ва даражаси, экологик цивилизация истикболларини белгилашдаги ролини белгилаб беради ҳамда уларнинг мажбурияти, масъулияти доирасини конкретлаштиради.

Юқорида қайд этилганидек, экологик хавфсизлик – ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий муносабатларнинг барқарор тараққиётга, биосфера экологик мувозанатига салбий таъсирининг олдини оладиган, уларни ички ва ташқи таҳдидлардан ҳимоялаш имкониятларини таъминлайдиган усуллар ҳамда воситалар мавжудлигидир.

Ҳар қандай давлатнинг экологик суверенитети ва хавфсизлик муаммоси, нафақат миллий, балки глобал характерга эга мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Шунинг учун БМТ Низомида: “давлатлар тараққиёт ва атроф муҳит соҳасидаги сиёсатига мувофиқ ўз ресурсларини ишлаб чиқиш суверен ҳуқуқига эга ҳамда уларнинг юрисдикцияси ва назорати доирасидаги фаолият ушбу миллий юрисдикция амал қилиш чегарасидан ташқаридаги

бошқа давлатлар атроф муҳитига зарар етказмаслиги учун жавобгардирлар”², деб қатъий белгилаб қўйилишида давлатлар суверенитетлиги, маълум маънода, чегараланганлиги ҳам, халқаро муносабатларда мажбурияти, масъулиятини ҳам белгилаши кўзга ташланади.

Ўзбекистонда табиий атроф муҳитни муҳофаза қилиш институтлари ва ижтимоий субъектлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ҳамда экологик ҳаракатни оммалаштирувчи давлат сиёсати самарадорлиги:

1) табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги комплекс илмий тадқиқот натижаларини, экологик технология маданиятини халқ хўжалигининг турли тармоқларида кенг жорий қилишга;

2) давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг табиатни муҳофаза қилиш фаолиятини оқилона ташкиллаштириш, бошқариш, назорат қилиш механизмларини яратишга;

3) турли лойиҳалаштирувчи, режалаштирувчи ташкилотларнинг фаолиятларини экологик илмий экспертизадан ўтказиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилишга;

4) омманинг экологик фаоллиги, мажбурияти ва масъулиятини ошириш учун методик, назарий-методологик илмий асосларини ишлаб чиқиб, амалий тавсиялар беришга;

5) халқаро миқёсда экологик илмий ахборотларни тўплаш, ижодий умумлаштириш, ҳамкорлик имкониятларини қидириб топиш вазифаларини давлат тасарруфига ўтказиб, ижтимоий сиёсат марказига қўйишга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил сентябрь ойида Қирғизистон ва Қозоқистонга расмий ташрифи чоғида кўп йиллардан бери ечимини кутиб турган экологик муаммоларга алоҳида эътибор бериши, экологик ҳаракатнинг минтақа экологик хавфсизлиги ва суверенитетига оид келишув шартномаларни амалга оширишда тизимли сиёсат олиб боришда катта аҳамият касб этади.

Хуллас, Ўзбекистоннинг экологик хавфсизлик стратегияси халқаро муносабатларни глобал бошқариш сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, умуминсоният экологик барқарор ривожланиши манфаатларига мос ва унинг мустаҳкам қонуний-ҳуқуқий асослари яратилишида республика Экоҳаракатининг ташкил этилиши – мамлакатимизда экологик ҳаракат субъектлари фаолиятини интеграциялаштириш, эркинлаштириш ва демократиялаштиришнинг янги босқичини бошлаб берди. Ўзбекистонда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган комплекс вазифалар Экоҳаракатни ривожлантириш учун концептуал модель бўлиб, республика экологик сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш стратегик вазифаларини, потенциал имкониятларини тизимли амалга ошириш тактикасининг илмий методологиясидир.

² БМТнинг расмий сайти <http://www.un.org/ru>

ХУЛОСА

Тадқиқот натижасида қуйидаги хулосалар берилди:

Биринчидан, жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланиш даражаларига мос экологик ҳаракат шакллари ва йўналишлари тарихий давр тақозоси бўлиб, унинг самарадорлиги, бир томондан, экологик маънавий-ахлоқий нормалар, ҳуқуқий қонун-қоидалар, ғоявий-мафкуравий асослар, стратегик вазифа ва тактик усул-воситаларнинг мақсадга мувофиқлигига, институтлашиш ва ижтимоийлашиш даражасига, оммавийлигига, субъектлари фаолиятини: муроса, толерантлик ва демократик тамойилларига кўра мувофиқлаштиришга, натижаларга оптимистик ишонччи шакллантиришга боғлиқ; иккинчи томондан, ижтимоий-экологик ҳаракат йўналишлари, кўлами, мақсади, фойдаланилган усул-воситалари, натижаси ва аҳамияти, унинг объектив шарт-шароитлари – ижтимоий-иқтисодий ривожланиш характери, геосиёсий вазияти, тарихий шаклланган геоэкологик маконнинг этнографик, демографик, конфессионал таркиби ва анъаналари, субъектлари онглилигини, фаоллигини уюштирувчи ташкилий асосларини тақозо қилади.

Иккинчидан, биосфера экологик мувозанатини, барқарор эволюцион ривожланиш тенденциясини, инсоният цивилизацияси натижаларини сақлаб қолиш мақсади доирасида экологик ҳаракат феноменининг морфогенезида: бир томондан, экологик фаолият структурасини, ривожланиш характери ва босқичларини белгилайдиган: эҳтиёж, мақсад, мотив, восита, усул элементларнинг умуминсоний: маънавий-ахлоқий нормаларга, демократик ва гуманистик тамойилларга асосан, миллий ва умуминсоний экологик қадриятлар интеграциясининг глобал манфаатларга мувофиқликлари, унинг функционал аҳамияти ва истиқболларини белгилайди. Иккинчи томондан, ижтимоий-экологик ҳаракатда миллий ва умуминсоний қадриятларни интеграциялаштириш – инсониятнинг оптимал табиий муҳитда яшаш эҳтиёжларини қондириш заруриятини англашидан келиб чиқади, табиатга техноген, антропоген таъсир натижасида вужудга келган экологик вазиятни глобал кескинлаштирувчи шарт-шароитларни бартараф қилишнинг назарий ва амалий фаолияти уйғунлигидан иборат.

Учинчидан, экологик ҳаракатнинг маҳаллий, миллий, минтақавий даражаларда индивидуал фаолияти асосларидаги морфогенетик умумийлик, уларнинг институтлари интеграцияси жараёнида шаклланган янги ижтимоий-сиёсий структура элементларининг ўзаро диалектик алоқадордорлиги натижасидир, яъни: бир томондан, экологик ҳаракат институтлари фаолиятини муайян мақсадга йўналтирувчи ҳамда интеграциялаштирувчи қадриятларнинг динамик ривожланиш қонуниятлари, уларнинг ўзаро функционал алоқадорлигида намоён бўлади; иккинчи томондан, миллий ва умуминсоний экологик қадриятларнинг глобал хавфсизликни таъминлаш мақсади доирасида интеграциялашуви, инсоният учун универсал экологик

ҳаёт тарзини ривожланиш стратегик вазифа ва истиқболларини белгилаб беришининг нисбатан универсал назариясини яратишга асос бўлади.

Тўртинчидан, “экологик гуманизм”, “экологик толерантлик”, “экологик муроса”, “экологик ҳамкорлик”, “экологик ўзаро ёрдам” ходисаларининг умуминсоний маънавий-ахлоқий қадрият мақоми ва экологик ҳаракат институтларининг демократик-инсонпарварлик миссияси миллий-ментал, географик-маъмурий чегараларда шартли ва нисбийлигига кўра универсал глобал экологик тафаккур тарзини шакллантириши, бир томондан, инсоният тарихининг ҳозирги босқичида, умуминсоний муаммолар глобаллашган шароитда, янги илмий-техник инқилоб натижаси бўлган постиндустриал ва ахборотлашган жамиятлар тараққиёти миллий, минтақавий экологик ҳаракат институтлари ривожланишининг янги интегратив босқичини бошлаб берди; иккинчи томондан, миллий, минтақавий, глобал экологик ҳаракат институтлари интеграциясининг интенсивлашган ҳозирги босқичи халқаро трансмиллий корпорациялар, концернлар кооперацияси ривожланиши билан характерлансада, уларнинг утилитар-меркантил этноэгоистик, эгоцентристик манфаатлари асосида экологик ҳаракатларга нисбатан конформистик стереотиплар устуворлиги турғун сақланиб қолмоқда.

Бешинчидан, экологик ҳаракат институтларининг миллий, минтақавий, глобал даражаларда горизонтал ва вертикал функционал дифференциаллашуви ҳамда интеграциялашуви жаҳон барқарор экологик тараққиёт эҳтиёжлари, мақсадлари, манфаатлари умумийлиги асосида шаклланиб, уларнинг ривожланишида детерминлаштирувчи роли, бир томондан, экологик ҳаракат институтлари ривожланиш даражалари жамият ижтимоий-сиёсий муносабатларидаги морфогенетик тарихий ўзгаришларига боғлиқ бўлиб, ўз ташкилий структураси таркибини ҳам функцияцинал аҳамиятини ҳам, конкретлаштиради ва такомиллаштиради; иккинчи томондан, миллий экологик ҳаракат институтлари интеграцияси самарадорлиги, давлат томонидан бу жараённи демократик бошқариш ғоявий-мафкуравий, назарий-методологик, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий асосларини комплекс-системали ривожлантириш стратегик сиёсати характерига боғлиқ бўлади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.F.01.05
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ТИЛАВОВ УКТАМЖАН ГУЛЯМОВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ
ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЫ ЭКОЛОГИЧЕСКОГО
ДВИЖЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА**

09.00.04 – Социальная философия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ФИЛОСОФСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам зарегистрирована за № В2017.1.PhD/Га49 Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-сайте Научного совета (ik-falsafa.nuu.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Мамашокиров Саидмурод
доктор философских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Хайдаров Хуррам Фармонович
доктор философских наук, профессор

Бердимуратова Алима Қарлыбаевна
доктор философских наук, профессор

Ведущая организация:

Ташкентский государственный аграрный университет

Защита диссертации состоится «26» июня 2018 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.F.01.05 при Национальном университете Узбекистана. (Адрес: 100174, г.Ташкент, Студенческий городок, Университетская улица, дом 4. Здание факультета Социальных наук Национального университета Узбекистана, 5-этаж, 511-аудитория.Тел.:(99871) 246-02-24; факс: (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрирован за № 54). Адрес: 100174, г.Ташкент, Студенческий городок, Университетская улица, 4-дом. Тел.: (99871) 246-02-24; факс (99871) 246-02-24; e-mail: info@nuu.uz.

Автореферат диссертации разослан: «13» июня 2018 года.
(реестр протокола рассылки №20 от «13» июня 2018 года).

Н.Х.Хакимов

Председатель Научного совета по
присуждению научных степеней,
д.ф.н., профессор

Н.Б.Абдуллаева

Научный секретарь Научного совета
по присуждению научных степеней,
д.ф.н., доцент

М.Т.Жакбаров

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
научных степеней, д.ф.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В настоящее время, когда экологические проблемы в силу своей глобальности привели человеческую цивилизацию на грань гибели, значение судбоносности и массовости экологических движений, его нелегкой участи все шире признается руководителями государств, человеческим сообществом. Практика постиндустриальных и экологически стабильно развитых стран указывает на целесообразность передачи функций по организациям, управлению и контролю институтов охраны окружающей среды на национальном, региональном и глобальном уровнях государственным и международным организациям. Ибо, с одной стороны, институты экологического движения, по своей организационной основе и статусу не являющиеся политическими организациями, тем не менее их функциональное значение и статус все более в государственной экологической политике “политизируется” и приобретает массовость, с другой стороны, формальная обусловленность деятельности институциональных систем государств и международных организаций, ответственных за стабильную экологическую безопасность, экологический суверенитет государств, взаимно привела к определенным внутренним изменениям в системе социально-политических взаимоотношений. Эти и другие импульсы научного исследования процессов институализации и функциональной интеграции данного социального явления повышает значимость в мировой философии.

Вопросы приведения к функциональной гармонизации институтов, ответственных за оздоровление существующей экологической ситуации в Узбекистане, массовости экологических движений ставят на повестке дня необходимость комплексно-системного научного анализа их объективных условий и субъективных факторов. Экологическое движение способно изменять свои парадигмы в соответствии с конкретным социальным пространством и историческим временем. А изучение закономерностей его развития, форм его проявления обогащает научные представления о социально-политических движениях. В соответствии с международным опытом количественные и качественные показатели участия человека в экологическом движении, являясь основным критерием его общественно-политической активности, может быть основанием исследования и оценки развития других социально-политических движений. Массовость и общность потребностей, целей и интересов экологического движения составляет его основное отличие от других форм общественных движений. Если другие формы общественных движений основываются с определенными индивидуальными или корпоративными интересами, то экологическое движение, будучи неразрывно связанным с судьбой субъектов, составляющих общество, независимо от их этно-демографических структур, политических убеждений, экономического положения, конфессиональной

принадлежности, уровня интеллектуального развития, общественного положения и статуса, превращается в общечеловеческое социальное явление.

Правовое обеспечение институтов движений, направленных на защиту естественной среды обитания, адекватность действующего экологического законодательства с мировым правовым критерием, национальная “узбекская модель” развития, разработанная Первым Президентом нашей республики стали методологическими основами в обеспечении и развитии государственного экологического суверенитета, национальной безопасности и укреплении их статуса. «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах», разработанная Президентом Республики Узбекистан, определила очередные задачи экологической политики государства, его направления и тактики. Ибо, с одной стороны, организация, управление и контроль институтов экологического движения на основе правовых законов и других нормативных документов, развитие механизмов осуществления общественного контроля за их исполнение зависят от укрепления политико-правового статуса экологического движения, с другой стороны, стратегия экологической безопасности Узбекистана показывает, что этому вопросу необходимо относиться с учетом давно сформировавшихся традиционных форм экологического образа жизни народов мира, интересами их национальной безопасности и суверенитета, а также с учетом гуманистических и демократических принципов.

Диссертационное исследование в определенной мере послужит реализации конкретных задач, обозначенных в разработанной под руководством Президента Республики Узбекистан «Стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017–2021 годах», в законах Республики Узбекистан «О защите природы», «Об экологическом контроле», «О воде и об использовании водой», «О защите атмосферного воздуха», «Об отходах», «Об использовании и защите растительного мира», «Об использовании и защите животного мира», «О подземных богатствах» и др.

